

Гулямов Саидахрор Саидахмедович,
ЎзРФА академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Азизова Манзура Ибрагимовна,
ТМИнинг, “Электрон тижорат ва рақамли иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ЛОГИСТИКАНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Уибуба мақолада логистиканинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилган ҳолда юртимиизда яратилаётган имкониятларни тўғри баҳолаб, логистика соҳасини ривожланишига кенг имконият яратиш, ривожланган мамлакатларнинг бу соҳадаги илмий ва амалий тажрибаларини пухта ўрганиши ва амалиётга татбиқ этиши ҳамда инновацион таркибий ўзгаришиларни такомиллаштириши масалалари баён этилган.

В этой статье описывается текущее состояние логистики, правильно оцениваются возможности, созданные в нашей стране, предоставляются широкие возможности для развития отрасли логистики, тщательно исследуется и применяется научный и практический опыт развитых стран, а также совершенствуются инновационные структурные преобразования в этой области.

The following article analyzes the current conditions of logistics, the issues of properly assessing the opportunities created in our country, creating a wide range of opportunities for the development of logistics sector, as well as a thorough study and application of scientific and practical experience of developed countries in further improvement of the company's performance, as well as improvement of innovative structural changes in this sphere.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат даражасига кўтарилиган масала иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон хужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасида яратилган норматив-хуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга, ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатаётган рақамли иқтисодиёт жадал

ривожланмоқда. Бу эса шундай платформаларнинг янги моделларини яратишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматлари кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органлари ахоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан катта ишлар олиб бориляпти. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда рақамли иқтисодиётни, замонавий ахборот технологияларини давлат бошқарувида татбиқ этишни ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашни кўзда тутувчи ҳужжат – Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида эълон қилинди [1].

Шу билан бирга, 2030 йилга қадар “Рақамли Ўзбекистон” концепциясини ишлаб чиқиши юзасидан ҳам чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг галдаги муҳим вазифалари сифатида –инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларини диверсификация қилиш учун криptoактивлар айланмаси соҳасида турли фаолиятларни, жумладан, майнинг (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссион йигимлар форматида мукофот олиш имкониятини берувчи янги блоклар яратиш ва тақсимловчи платформани қўллаб-қувватлаш бўйича фаолият), смарт контрактлар (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш бўйича хуқуқ ва мажбуриятлар битилган электрон шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлиш, сақлаш, тарқатиш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, “блокчейн” технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш; малакали кадрларни тайёрлаш;

криптовалюталар ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; бу борада хукуқий базани яратиш кабилар назарда тутилган.

Замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар асосида ривожланаётган глобаллашув ва кучли интеграция иқтисодиётнинг янада тез ва кескин тарзда шаклланишига сабаб бўлмоқда. Фақат ана шу жараёнларга мослашган ҳолда унинг ташкил қилувчи элементлари ҳисобланган асосий соҳаларини ривожлантириш билан ҳозирги вазиятда рақобатбардошликтни сақлаб қолиши мумкин. Ҳозирда ихтисослашган ишлаб чиқаришни ва жаҳон миқёсида ҳамкорлик алоқалари чуқурлашишини шакллантирувчи мультимодал логистика марказлари ва логистика соҳаси муҳим роль ўйнайди.

Ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган кўплаб мамлакатлар тажрибаси шуни исботламоқдаки, рақобатдошликтка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқлари жадал ривожлантирилишини талаб этади. Шу боис бу масала олдимииздаги энг долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Демак, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “..ҳамма соҳада аниқ тартиб ва қаттиқ интизомни таъминлашимиз даркор. Яна бир бор таъкидлайман, ишни биргалиқда бажарамиз, натижа учун эса ҳар биримиз шахсан жавоб берамиз” [2,104-бет].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан шунингдек, “Йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича дастурларнинг прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилиш ҳамда уларга эришиш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган [2, 22-бет].

Мамлакатимизда ҳам бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, қулай бизнес муҳитини яратиш ва иқтисодиётимизни модернизациялашнинг янги талаблари энг аввало логистиканинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Юртимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда логистиканинг ўрни катта. Чунки бу соҳа ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти ривожи учун долзарб бўлиб келмоқда.

Рақамли ўзгаришлар даврида ҳар қандай давлатнинг кейинги иқтисодий ривожланиши ва рақобатбардошлиги ошиши кўп томонлама замонавий ракамли технологияларни жорий этиш ва ривожлантиришга боғлиқ бўлади. Мамлакат иқтисодиётини рақамлаштириш ишлаб чиқариш ва

логистика операцияларини оптималлаштиришга эришиш, меҳнат бозори ва ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириш, ҳаражатлар ва ишлаб чиқариш таннархини камайтириш, давлат бошқарувида шаффоффликни оширишга имкон беради. Шу сабабли, давлат бошқарувини рақамлаштириш ҳамда давлат хизматларини сифатли ва тезкор етказиб бериш Ўзбекистон Республикаси рақамли трансформациясининг ажралмас қисмидир.

Ҳозирги кунда ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган, янги қабул қилинган қарорлар, фармонлар ҳамда турли қонун хужжатлари ишнинг асоси ҳисобланади. Логистика дунёning қатор мамлакатларида, айниқса, бозор муносабатлари шаклланган мамлакатларда компаниялар фаолиятида татбиқ қилинган. Ғарб мамлакатларининг илмий манбаларида Ж.Гелбрейт, В.Герами, Р.Хейнц ва бошқа хориж мутахассисларининг бу мавзудаги ишлари чоп этилган. Иқтисодиётни рақамлаштириш, ишлаб чиқариш ва логистика операцияларини оптималлаштиришга эришиш, логистик жараёнларни иқтисодиётнинг турли тармоқларига жорий этишнинг илмий-амалий масалалари МДҲ олимларидан И.Д.Афанасенко, В.В.Борисовалар, Л.Б.Миротин, В.А.Топалиди, А.М. Гаджинский, ўзбекистонлик олимлардан Я.К. Карриева, М.М. Таирова, Н.Х. Бўриева, Қ.А. Дадабоев, М.С.Қосимова, К.М.Сидикназаров, М.А.Икрамов ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ этилганини таъкидлаш лозим.

Бироқ, юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий изланишлари билан танишиш кўрсатдики, ҳозиргача логистик жараёнларни ахборот тизимлари асосида такомиллаштириш ва фойдаланиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш ҳамда статистик таҳлил этиш жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаган. Айниқса, компаниянинг логистик жараёнларига ахборот тизимларини жорий этиш усуслари, логистик жараёнларда автоматлаштирилган ахборот тизимлари асосида эконометрик моделлаштириш тамойиллари, логистик фаолиятда автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш самарадорликлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, ривожланиш шарт-шароитлари каби муҳим жиҳатлар чуқур илмий-назарий ўрганилмаган. Бу эса, мазкур мақоланинг долзарблигини янада оширади.

Ўзбекистон Республикасини 2017 - 2021 йилларда ривожлантишнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишарига бағишланган бандида “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини

модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарни ташкил этиш, амалдаги зоналарнинг самарадорлигини ошириш, хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушкини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини энг аввало хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш, йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳага, бошқариш тизимига информацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, транспортировка қилиш ва сотиш, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш” каби вазифалар белгиланган [2]. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатдан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, худудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқ.

2018 - 2021 йилларда чегарадош мамлакатлар билан логистик маршрутларни диверсификация қилиш режалаштирилган. Унга кўра, келишув битимлари имзоланади. Бунда чегарадош мамлакатлар билан амалий музокаралар ўтказиш, қўшни давлатларнинг инфратузилмаларини ривожлантиришга инвестициялар киритиш ташаббуси билан чиқиш орқали маҳсулотларнинг экспорт-импортидаги логистик муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади [3]. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий ва бошқа ҳалқаро алоқалар, шу жумладан, юклар (йўловчилар)ни ҳалқаро ташишлар юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Буни янги ишлаб чиқилган қонунлар, қарорлар ҳамда логистик марказ ҳамда компанияларга яратилаётган турли имкониятлар ва янги очилаётган логистик марказлар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг кўпгина соҳаларини қайтадан модернизация ва диверсификация қилиш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Логистика концепциясини татбиқ этиш корхоналардаги умумий харажатларни камайтириш учун асосий фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади.




1.1-расм.Логистиканинг глобал ва локал вазифалари

Логистик фаолият интеграцияли аҳамиятга эга бўлиб, у товар (хизмат)ларга эҳтиёж пайдо бўлгандан, то уни қониқтиргунгача бўлган оралиқни ўз ичига олади. Макродаражадаги логистика турли ҳил ташкилотларнинг интеграциялашуви орқали бизнес мақсадига эришгунгача бўлган биргалиқдаги фаолиятини акс эттиради.

Барча фаолият ва операциялар режалаштирилиши, бошқарилиши ва мувофиқлаштирилиши лозим. Логистиканинг асосий интеграциялашган тизимини муҳим бизнес соҳалари, яъни хомашё ва материалларни сотиб олиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, транспорт, ахборот ва бошқалар ташкил этади.

Логистиканинг мақсади деб, глобализациялаштириш, инсон фаолиятининг каттагина соҳасини ўз ичига олган товарлар, хизматлар, ҳом ашё ва материаллар ҳаракатининг барча йўлларини тушуниш мумкин.

Ҳозирги кунда логистика транспорт - экспедиция фаолияти доирасида қизғин ривожланаяпти. Логистик занжирнинг тузилишига эътибор берилса, баъзи бўғинларда маҳсулотларни ортиқча ишлатиш, бошқа ҳолларда эса иқтисод қилинганини кўриш мумкин. Транспорт-экспедиция фирмалари логистик занжир тузилишида шерикларнинг қизиқишини ҳисобга олишлари керак. “Занжир, энг кучсиз бўғинга қараганда кучли бўлиши мумкин” - бу логистиканинг асосий тамойилларидан биридир.



1.2-расм. 2019 йил январь-июль ойларида хизматлар таркиби, %


Ҳозирги кунда Ўзбекистон улкан транспорт салоҳиятига ва барча йўналишларида ва транспортнинг барча турларида юклар ва йўловчиларни ташишда мамлакат эҳтиёжларини қондириш учун ноёб имкониятларга эга[7, 272-бет].

2019 йил 1 июль ҳолатига транспорт соҳасида қарийб 14,9 мингта корхона ва ташкилотлар жалб қилинган. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан уларнинг сони 2,3 минг бирликка кўпайди. Бу борадаги ўсиш 17,8% ни ташкил этди.



1.3-расм. 2018 ва 2019 йилларда корхона ва ташкилотлар сонининг кўпайиш кўрсаткичлари

2019 йил январь-июнъ ойларида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 1,7 минг бирликни ташкил этди. 2018 йил январь-июнъ ойларидагига нисбатан бу кўрсаткич 682 бирликка кўпайди.



1.4-расм. Транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг таққослама кўрсаткичлари

Логистиканинг асосий хусусиятларидан бири ҳар хил корхоналарнинг товарлари истеъмолчига етиб боргунига қадар уларнинг биргаликдаги фаолиятида намон бўлади. Бундай фаолиятга маблағни пасайтириш заҳира манбаларини очишга ёрдам беради. Логистик шериклар ўртасида умумий фойдани тақсимлаш механизмининг йўқлиги эса бу ишни амалга ошириш самарадорлигини бирмунча пасайтиради.

Ўзбекистонда логистиканинг секин ривожланишига сабаб бўлаётган қуйидаги муаммоларни алоҳида ажратиш мумкин:

биринчидан “логистика” тушунчаси кўпгина ишбилармон ва менежерлар учун янгилик. Ўзбекистонда бу соҳада малакали мутахассислар етишмайди, логистика соҳасида менежерлар, ишбилармонлар кам, бу эса логистиканинг моҳиятини тушунишни қийинлаштиради;

иккинчидан, ташкилотларида логистика тамойилларларини амалга ошириш учун шароит етишмайди. Кўпгина ташкилотлар иқтисодиёт режаси олдида “тиззагача чўкишган”. Аксарият корхоналарда логистика хизматини шакллантиришда қийинчиликлар мавжуд бўлиб турибди.

Хусусий фирмалар ходимлари бажариши керак бўлган функциялари ва бу бўлинмаларни фаолияти ҳақида паст тасаввурга эга;

учинчидан, миллий қонунчилик халқаро қонунчилик билан, халқаро савдо соҳасида, харакат, халқаро ташиш, миллий ташиш ва ички ташиш, шунингдек, аралаш ташиш масалаларида ҳали етарлича ўзаро мослаштирилмаган. Товарлар харакатини тўсиб туришга олиб келадиган омиллар, логистик занжирининг узоқ муддатда узилишига олиб келади ва у маълум вақтгacha чўзишлиши мумкин. Бу эса корхона раҳбарлари ва ходимларида ўз мақсадларини амалга ошириш учун логистикани татбиқ этишда ишончсизлик туғилишига олиб келиши мумкин;

тўртинчидан, чет эл логистик ташкилотлари билан алоқалар яхши йўлга қўйилмаган, халқаро логистик уюшмалари билан давлатлараро ҳуқуқий алоқаларни белгилаш, солик, божхона, баъзи вазирликлар, департамент ва бошқалар томонидан корхоналар бўйича ишбилармонлик фаолиятининг олиб борилиши етарли даражада эмас.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлиллар шуни қўрсатмоқдаки, миллий юк ташувчиларни қўллаб-куvvatлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида “**Миллий логистика портали**”ни ташкил этиш лозим. Халқаро транзит йўлларини очиш, кенгайтириш ва зарурларини қайта қуриш ҳамда реконструксия қилиш зарур. Келгуси йилда жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларнинг қайта бошланиши ҳам қувонарли ҳол. Экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш лозим. Асосий мақсадларимиздан бири–ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни “**ўзбек бренд**” номи билан олиб чиқишигга эришиш керак.

Бугунги кунда республикада логистика хизмати бозорининг ўсиши ва яхшиланиши тенденцияси кузатилмоқда, транспорт инфратузилмаси ривожланмоқда, худудий савдо ва транзит ҳажми ортмоқда. Миллий транспорт ва логистика компаниялари ўз бизнеслари ривожлантиришлари, логистик хизмат қўрсатиш даражасини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқишилари учун барча имкониятлар яратилган.

Логистика хизматлари бозорининг ўзига хос хусусиятлари уни оптималлаштириш жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Фикримизча, транспорт ҳизматлари бозорини оптималлаштириш нафақат соҳа корхоналари манбаатлари нуқтаиназаридан ижобий самарадорликка эришиш, балки умумиқтисодий самарадорликни назарда тутувчи мақсадни кузатилишида эса муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. www.lex.uz.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.ПФ- 4947-сонли Фармони.Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 марта “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартирш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари Дастури” тўғрисидаги фармони. ПФ- 4707-сонли www.lex.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги “Ангрен маҳсус индустрисал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги № ПФ - 4436 сонли Фармони.
6. Карриева Я.К. Глобаллашув жараёнларида халқаро транспорт логистик тизими фаолиятининг самарадорлиги. Монография.-Т. Иқтисодиёт, 2013, 174 б.
7. Афанасенко И.Д., Борисова В.В.Цифровая логистика.Учебник.Санкт-Петербург, 2019,.272 стр.
- 8..<http://www.mfer.uz> (Ташқи савдо)
9. <http://www.gov.uz> (Хукумат сайти)
10. <http://www.wto.ore> (Халқаро савдо корхонаси)
11. www.Logistika.ru.